



# Ishonch

Моҳият

Миллатнинг,  
халқнинг  
ҳамжиҳатлиги  
ҳар қандай  
тараққиётнинг  
гаровидир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19-20 апрел кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий

ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳаларда-

ги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.



## Инновацион иқтисодиёт ривожига қўшилган улкан ҳисса

### Тошкентда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси ниҳоясига етди

«Ўзэкспомарказ»да 13-15 апрел кунлари бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган истиқболли ишланмаларни жорий қилиш тўғрисида умумий қиймати қарийб 10 миллиард сўмлик 400 га яқин шартнома ва англашув протоколлари имзоланди.

Инновациялар ярмаркаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш, ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, реал сектор тармоқларини янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, банклар, йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, фермерлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидagi илмий муассасалар, илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, иxtирочилар иштирок этди.

Ярмаркада ишлаб чиқаришни кучайтириш ва мақбуллаштириш, ресурсларни тежаш, маҳаллий хомашдан фойдаланиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт тузилмасини кенгайтиришга қаратилган қарийб 600 инновацион технология ва лойиҳалар намойиш этилди. Улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим соҳалари учун мўлжалланган. Шуниси эътиборга лойиқки, улар асосан мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва иxtирочилари томонидан яқинда яратилган мутлақо янги ишланмалардир. Ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга бундай турлича ёндашув ва ғоялар Ўзбекистон илм-фаннинг катта имконияти ва салоҳиятига эга эканидан далolatдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ушбу соҳани ривожлантиришга, айниқса, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мам-



лакатимизда инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Сўнгги йилларда Президентимизнинг ушбу йўналишга доир қатор қарорлари, жумладан, 2008 йил 15 июлда «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш бора-бор кўшишга чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ва ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар йили республика инновация ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. Республикаимизнинг 18 йирик корхонасида инновацион марказлар, модернизация ва инновацион фаолият жағғармалари ташкил этилди. Улар томонидан қиймати 8,55 миллиард сўмлик 242 лойиҳа маблағ билан таъминланди. Ҳар йили миллий иқтисодиётимиз тармоқлари ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашда ривожлантириш бўйича давлат илмий-техник дастурлари амалга оширилмоқда. Инновациялар ярмаркаси илм-фанга қўшимча инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмларидан ҳисобланади. Бу ярмаркада энг истиқболли ангилликларни намойиш қилиш ва уларни ҳарид қилиш ҳамда кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга,

бюртмалар асосида яратилаётган бўлғуси илмий ишланмаларни молиялаш тўғрисида шартномалар тузилмоқда. Масалан, Тошкент вилояти Бекобод туманидан ярмаркага келган фермер Абдували Ёрлақабов Тошкент давлат аграр университети вакиллари билан қорвачилик ва паррандачилик хўжалиги учун зарур бўлган ҳамда бу ерда намойиш этилган дағал озуқа ва илдиз мевали ўсимликларни майдалайдиган қурilmани янада такомиллаштириш бўйича келишиб олди.

Қатор корхоналарда «Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институти» давлат корхонасининг бир йўла иккита — Бойсун ва Сангунтов конларининг ёнғуви сланецларини комплекс қайта ишлаш ва кварц қўллари биотехнологик бойитиш ва илмий-техник ҳужжатлари учун илмий-техник дастурлари амалга оширилмоқда. Инновациялар ярмаркаси илм-фанга қўшимча инвестициялар жалб қилишнинг самарали механизмларидан ҳисобланади. Бу ярмаркада энг истиқболли ангилликларни намойиш қилиш ва уларни ҳарид қилиш ҳамда кейинчалик ишлаб чиқаришга жорий этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга,

раснинг модернизацияланган конструкцияси намойиш қилинди. Дастлаб, ушбу конструкция Қорасув пахта тозалаш заводида ўрнатилиб, монтаж қилинади. 2013 йилда ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилган, ишланмани «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг бошқа заводларида ҳам жорий этиш режалаштирилмоқда. Бу пахта заводлари маҳсулотлари сифати 25 фоизга оширади, энергияни камида 10 фоизга тежайди, йиллик иқтисодий самараси эса 60 миллион сўмини ташкил қилади.

Ярмарка тўғрисида Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги бошқа институтларнинг шериклари сони ҳам кўпайди. Бугун инновация ишланмалари саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика соҳасида кенг қўлланилаётган Понида босқичма-босқич жорий этилади. Уларнинг ўзлаштирилиши ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини беради.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти томонидан ярмаркада чигитдан пахтани ажратиш машинаси ишчи каме-

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2011 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мажлисда республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисининг белгиланган макроектсий кўрсаткичларга ва молия-пул параметрларига эришишни таъминлашга, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартаришлари янада чуқурлаштиришга ҳамда унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилишга, техник ва технологик жиҳатдан янгиллашга, максимал даражада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган топшириқларини бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Иқтисодий ислоҳ қилиш ва мамлакатни модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва мақсадли йўналтирилган дастурини амалга ошириш тўғрисида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, иқтисодиётнинг макроектсий мувозанатлилиги таъминланаётганини қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,2 фоизни, шу жумладан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 10,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 5,8 фоизни, чакана товар айланмаси ҳажми ўсиши 13,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиздан ортқ микдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортқ бўлмади.

Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини оши-

риш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 28,5 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салдосини таъминлади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган кун тартибининг биринчи навбатдаги масалалари орасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, саноат тармоқлари ва корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ва уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ишларининг ҳолати чуқур таҳлил қилинди. Саноатни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида унинг юқори технологияли тармоқлари улушини кўпайтириш борасида ижобий силжишлар таъминланаётганлиги қайд этилди.

Муҳокама давомида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминлашга амалга оширишга «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Чирчиқкишлоқмаш», «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятлари раҳбарлари фаолияти каттик танқид қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ва газ учун қарздорликни ва уларнинг исроф бўлишини қисқартириш, истеъмол қилинишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни такомиллаштириш бўйича «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг иши қониқарсиз эканлиги қайд этилди. Мазкур тармоқлар ва корхоналар раҳбарлари олдига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун барча захираларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорийик инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш чора-тадбирларининг натижадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2011 йилнинг биринчи чораги мобайлида республикада 145 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш бўйича 818 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш давом эттирилди.

(Давоми 2-бетда)

### Концепция йқуви

Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари томонидан Концепция мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган 700 дан зиёд давра сўхбати, анжуманлар уюштирилди. Унда илгаридан сурилган 6 та йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси ишлаб чиқилиб, барча тармоқ касба уюшмалари вилоят, туман, шаҳар ташкилотларига етказилди.

Концепцияда ижтимоий-шериклик тамойиллари, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, жамоат назорати бўйича амалга оширилган тадбирларда касба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш сингари бир қатор муҳим тақлифлар олға сурилган. Ҳозирдан ана шу ижтимоий ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган, унинг самараси қандай бўляпти, деган савол туғилади. Биз Концепцияни ўқиб-ўрганиш жараёнида мазкур саволларга жавоб то-

## Кўлами кенг вазифалар

пиш билан бирга, амалга оширишимиз лозим бўлган қатор вазифаларни ўзимизга белгилаб олдик. Аввало, ижтимоий шерикликнинг асосий кўриниши, ифодаси бўлмиш жамоат шартномалари ва келишувларининг ҳаётимизда пайдо бўлаётган муаммоларга мосланувчанлиги етарлими ёки йўқми, деган масалани атофроқича таҳлил қилаямиз.

Даврнинг ўзи худудий бирлашмалар ва тегишли ҳокимликлар билан ўзаро ҳамкорлик, унинг йўналишларини ҳам тубдан қайта кўриб чиқилишини тақозо этмоқда. Касба уюшмалари ва ижро ҳокимияти органлари ўртасида мустақам, самарали алоқалар

**Республикамиз ижтимоий, сиёсий ҳаётида содир бўлаётган муҳим воқеалар юрагида ватан, юрт тушунчалари оловланиб турган ҳар бир фуқарони ушбу жараённинг томошабини эмас, фаол иштирокчиси бўлишга ундамоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» маззундаги маърузасини ўрганар эканмиз, унинг амалга ошишига ҳар биримиз масъул эканлигимизни тобора чуқурроқ ҳис қиламиз.**

ўрнатилмас экан, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида мавжуд муаммоларни ҳал этиш қийин бўлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, жамоат шартномалари ва келишувларининг ҳуқуқий

ларини таъминлашимиз зарур. Унда авваламбор, касба уюшмаларига берилган ҳуқуқ ва имтиёزلардан самарали фойдаланишимиз даркор. Шу мақсадда касба уюшмалари юридик хизмати ходимларининг асосий эътиборини меҳнат жамоаларида ҳуқуқий маданиятга бағишланган учрашувлар ўтказишга қаратяпмиз. Тармоқларда, худудларда фаолият юритаётган касба уюшмалари юридик хизмати ходимларидан

ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини туздик ҳамда иш жойлари ва ўқув юртларида, маҳаллаларда учрашувлар уюштириш жадвалини ишлаб чиқдик.

Концепцияда «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш» масаласига алоҳида бўлим бағишланган республикада фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларга нечоғлик катта эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифодаси, десак янглишмаймиз.

Сабаби, то ҳануз ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиб, давлат ҳокимияти ва

бошқарув органларининг қарорларини тайёрлашда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш каби масалаларда фаоллик етишмаяпти.

Бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан доимий алоқалар мустақам йўлга қўйилмаган, уларнинг аксарияти билан ҳамкорлик йилда бир-икки марта биргаликда тадбирлар ташкил этиш билан чекланиб қолмоқда.

(Давоми 2-бетда)

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисда муҳокама қилиш жараёнида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда камчиликларга йўл қўйганликлари учун «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзфарм-саноат» давлат акциядорлик концерни раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Камчиликларни бартараф этиш ва йўл қўйилган қолдиқларнинг ўрнини тўлдиретиши ҳамда ишлаб чиқариш объектлари ўз вақтида ишга туширилишини таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатъий талаблар қўйилди.

Мажлисда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва у билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини ошириш ҳамда уларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш масалаларини энг муҳим устувор вазифа сифатида кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан тасдиқланган 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури амалга оширилиши батафсил ва ҳар тарафлама таҳлил қилинди.

Тизимли ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада 219 мингта янги иш ўрни яратилганлиги, ундан 152,4 мингтаси ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилганлиги қайд этилди. Қасанчиликнинг барча шакллари ривожлантириши ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар ушбу соҳада 54,2 мингта иш ўрни яратилишини таъминлади.

Тегишли вазирликлар, идоралар, жойлардаги ҳокимият органлари томонидан қорхоналар ва касб-хўнар коллежлари ўртасида мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, коллежларни шу йил тамомлайдиган 430 мингдан ортиқ битирувчиларини бўлажак иш жойларида ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш учун аниқ қорхоналарга бириктириш ишлари аҳолига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар учун бир қатор туманлар ҳокимлари фаолияти танқид қилинди.

Маҳаллий ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдида 2011 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастури параметрлари сўзсиз бажарилди, шунингдек, «корхона-коллек» алоқаларини янада мустақамлаш ва шу асосда касб-хўнар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш ишлари батафсил таҳлил қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар умумий сонининг 75 фоизга

яқини ишлаши таъминланганлиги қайд этилди. Жорий йил якунлари бўйича ушбу соҳанинг янги ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизгача етказиш мўлжалланмоқда.

Мазкур масалани муҳокама қилиш жараёнида тегишли вазирликлар ва идораларга максимал даражада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини мустақамлаш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, рўхсат бериш тартиботларини ва тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат органларининг аралашувини кескин қисқартиришни таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Шу муносабат билан Давлат дастури доирасида қабул қилинган ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини 2011 йил 1 апрелдан бошлаб 2014 йил 1 апрелгача солиқ текширувидан ўтказишни таққиллашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни янада қисқартириш ва назоратни ташкил этиш тизимини таққимлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бажаришнинг амалий аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан 2011 йил текширишлар режа-жадвалидан кичик бизнес субъектларининг салмоқли қисми чиқарилди.

Муҳокама жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида» қабул қилинган қарорига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг барча тадбирлари амалда бажарилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ишларининг натижадорлиги учун шахсий жавобгарлигига қаратилди.

Қун тартибидоги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик қорхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Хукумати мажлисга киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)



мизда инновацион иқтисодиётни шакллантиришга доир долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилди. «Инновацион фаолиятни ривожлантиришда хусусий бизнес ва тадбиркорликни кенгайтиришнинг муҳим жиҳатлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани, Жанубий Корея политехника университети билан ҳамкорликда ташкил этилган «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишнинг замонавий илмий-техник ечимлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон инновацион тадбиркорлик: муаммолар ва истиқболлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ярмарка барча асосий соҳалар ва йўналишларни ўз ичига олган 7 номинация бўйича энг яхши лойиҳа танлови ғолибларини мукофотлаш билан якунланди.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркаси мамлакатимизда яратилган ва мунтазам тако-

# Инновацион иқтисодиёт ривожига қўшилган улкан ҳисса

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан ярмаркада илк бор ташкил этилган экспозиция ҳўжалик юритувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу ерда турли йўналишлар — наноматериаллардан фойдаланишга асосланган юқори технологик ишланмалардан то, хомашёни юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотга айлантиришгача қайта ишлайдиган, узига хос ва қўллаш осон бўлган қўрилмалар намойиш этилди. Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётимизда салмоғи тобора ортиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун мўлжалланган.

— Мен вакуумли инфракүзил қуритиш мосламасини харид қилиш тўғрисида қиймати 30 миллион сўмлик шартнома туздим, — дейди Андижон вилояти Улуғнор туманидан келган тадбиркор Каримберди Матисаев. — Энди буюртма асосида Тошкент давлат техника университетида тайёрланган мосламада туманимизда мўл мева-сабзавотлардан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилгани учун миннатдоримиз. Бу бизга замон билан ҳамқадам бўлиш, мамлакатимиз ва хорижда харидоригир товар ва буюмлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Олий ўқув юрларининг ёш олимлари ва талабалари ҳам ярмарка самарали бўлганини таъкидламоқда. Уларнинг қўллаб қўйиш ва ишланмалари махсус бўлимда намойиш қилинди. Хусусан, мутахассисларнинг фикрича, қуёш элемент-

лари учун ярим ўтказгич материалларни олиш технологияси катта истиқболга эга. Ярмаркада ушбу янгиликни унинг ихтирочиларидан бири — Фаргона давлат университети аспиранти Шерзод Каримов намойиш қилди. Бу технология мутлақо янги бўлиб, мамлакатимизда фотоэлектр станциялари учун қуёш элементлари материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради. Ҳолбуки, айни пайтгача ушбу қимматбаҳо материал четдан олиб келинмоқда. Ёш олимнинг ишланмаси ярмарка каталогига киритилди, махсус сайтларга жойлаштирилди. У яқин вақт ичида ўзининг ишланмасини санатда ўзлаштириш бўйича шериклар топишига ишонади.

Ярмарка иштирокчилари мамлақати-

миллашиб бораётган илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви механизмининг юқори самарадорлигини яна бир бор тасдиқлади. Барча соҳаларда олимлар ва қорхоналарнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани миллий иқтисодиётимизни энг илғор технологиялар асосида жадал ривожлантириш, шу жумладан, илмталаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юксалиши ва пировард натижада, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳўжалик муносабатларида ўз ўрнини янада мустақамлашга ёрдам беради.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА муҳбири,  
А. ЁҚУБОВ, Р. ШАҒАЕВ (ЎЗА)  
олган суратлар



# Кўлами кенг вазифалар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича режалар ортиси билан уйддаланди. Бунда касаб-ушмаларининг ҳам салмоқли улуши бор. Ҳашарчиларга, талаба-ўқувчиларга, пахтакор ва механизаторларга қўлай, бехатар иш шартини яратиш бериш, иссиқ оват, кийим-кечак, моддий ёрдам, транспорт хизмати курсатиш ишларига бевосита касаб-ушмалари раҳбарлик қилди.

Ушбу тадбирлар учун касаб-ушмаларининг бюджети ҳисобидан 20 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бугунги кунда асосий вазифамиз юртимизда амалга оширилётган ислохотларда касаб-ушмаларининг тўла иштирокини таъминлаш, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан аҳоли фаровонлиги, юртимизда барқарорликни таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаш билан бирга, унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага ҳаққоний тушунтиришдан иборат эканлигини чуқур ҳис қиламиз.

Касаб-ушмаларини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш чораларини ҳам қўлайтирдик. Хусусан, нодавлат сектори ташкилотларида, қўшма қорхоналарда, фермер ҳўжалиқларида касаб-ушмаларини тузиш, ходимларни жалб қилиш ҳисобига аъзолар сонини қўлайтириш, яқна меҳнат фаолияти билан шўғулланётган юридик ва жисмоний

шахсларни жалб қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш чораларини кўрялгимиз.

Аъзолик афзалликларини асослашда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси негизини ташкил этувчи жамоа шартномалари ва келишувларнинг ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Яъни янги иш ўринларини очиб, яширин ишсизликни тугатиш бўйича тақлифлар бериш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини қўлайтириш, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини эсдан чиқармаслик каби бир қатор жиҳатларни қамраб олган фаолиятимизни янада таққимлаштиришда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Хукумат билан касаб-ушмалари Федерацияси ўртасида тузилган Бош келишув касаб-ушмаларининг мавқеини янада мустақамлашга хизмат қилибгина қолмай, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилишда, ижтимоий шерикликни ривожлантиришда янги даврни бошлаб бериши, шўбҳасиз, ушбу муҳим ҳужжатда акс этган шартлар мамлакатимизда амалга оширилётган инфо-сонпарварлик сиёсатининг ифодаси сифатида аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг янада таққимлаштиришнинг кўзда тутиши билан эътирофга сазовордир.

Бу мамлакатимизда ҳар бир фуқаро ҳукумат эътиборида эканлигини аниқлатади. Қолавер-

са, касаб-ушмаларининг аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги эзгу мақсадларини фойдалайди. Иш бериш ва ходим ўртасидаги муносабатларнинг янада мустақам бўлишини таъминлайди.

Энди гап Бош келишувнинг амалдаги ижросини тўлақонли таъминлашга эришишда. Унинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиб, жойларда қабул қилинадиган жамоа келишувлари ва шартномаларида Бош келишувда кўзда тутилган талаб ва мақсадларнинг амалга оширилишини таъминлаш касаб-ушмаларида хизмат қилувчи ҳар бир шахс ўз бурчи деб ҳисоблаши лозим.

Яқинда Хоразм вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда имзоланган минтақавий келишувда Бош келишув талабларидан келиб чиққан ҳолда қўллаб-қўйиш бандларининг киритилишини таъминлади.

Жойларда бўлганимизда, аъзоларимиз, меҳнатқаш халқ бу ўзгаришларни, имконият ва имтиёزلарни мамнунияти билан қабул қилаётганини, касаб-ушмаларида ишончи янада ортаётганига гувоҳ бўлялгимиз. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада ошириши аниқ. Мақсад эса битта — талаб даражасида фаолият курсатиш, ишончга муносиб бўлиш.

Раҳимберган МАТРАСУЛОВ,  
Хоразм вилоят касаб-ушма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

# Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқаришида, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратишда ҳамда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўлақлашда мазкур институтларнинг аҳамияти беқийс. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечайтган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Утган даврда мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини қўлайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам соҳа ривожига бўлган катта эътибордан далолатдир.

# Жамоатчилик назоратининг

Сўнгги йилларда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қаролатлари тўғрисида»-ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»-ги, «Ҳомийлик тўғрисида»-ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожлантиришга қўлақлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаолиятини қўлайтиришда муҳим омили вазифасини бажармоқда.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда, маҳаллар сони эса 10 мингдан ортиқни ташкил этаётир. Бу ў-

навбатда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларининг амалга оширилётган ислохотларнинг очиқ-ошкорлиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ролини қўлайтириш ҳамда соҳага оид қонунчиликни янада таққимлаштиришни тақозо этади.

Давлатимиз бошчилиги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизминини яратиш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшим-

чалар киритиш тақлифини олган сурди. Мазкур қонун лойиҳасида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш каби масалалар билан биргаликда, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонуний устидан давлат назоратининг бир қатор шакллари мавжуд бўлиб, улар маъмурий назорат, прокурор назорати, парламент назорати ва суд назорати қабиларга ажратилади. Бирок фуқаролик

жамияти институтларининг роли ошиб борган сари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиб бораверади. Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жамоатчилик назорати, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийлик ва адолатлиликни қўлайтириш, ижтимоий адолат ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашга хизмат қилади. Жамоатчилик назоратининг тўғри йўлга қўйилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан аҳоли ўрта-



Замонавий қажрамонлари

**Апрел баҳорнинг сўлим чоғи бўлиш баробарида деҳқону боғбонлар учун бироз хавфли давр. Бу вақтда баҳорнинг турфа инжиқликларига қарши чоралар кўриш, мева туғиш тараддудидаги дарахтларни жала-ю дўллардан асрай олиш бироз қийин кечади. Бирок...**

# Тўрақўрғон узумлари

уларни қўли қадоғу кўнгли оқ одамлар етиштиради

## Тўрт сотихдан етти миллион даромад

Тўрақўрғоннинг омилкор одамлари бошқаларнинг токи эндигина уйғонаётган паллада узум меваларни санашмоқда. Ишонмасангиз, узок тарихга эга Аҳси қишлоғига келинг-да, Жўра ака Аҳмедовнинг эшигини суриштиригиз.

Истиклол эпкини сабаб одамларнинггина эмас, эзгу нияту хаваслар билан курилайтган уйлари ҳам бўйлари чўзилиб бораётганини қишлоққа киришингиз билан хис этасиз. Лўппи-лўппи қизчаларнинг бир текисда селган сувлари сабабми осойиш топаётган маҳалладаги файли хонадонларни оралаб борарканмиз, «Аҳси МФЙ раиси Солиха опа Солиева «Жўравой аканинг уйлари — шу» дея бизни чоғроққина ҳовлига бошлади.

Тўрт сотих ҳовлида бир тоннадан ошди узум етиштириб, миллион-миллион даромад олаётган боғбонни бироз бошқароқ тасаввур қилган эканмизми, қаршимиздаги соддагина, камтар, қишлоқнинг аксарият одамларидек камсуқум кишини кўриб, кўнглимиздан «Ўзбекистон буюклиги ҳам шу оддийлигидадир» деган ўй кечди. У бошқалардек ютуқлари билан мақтанмайди, шухрат учун кўксига муштлаб сўзамоқчи ҳам қилмайди. Унинг қувончу ташвиши, кундалик уйлари ҳақида баралла бағр ёзиб, апрел бошидаёқ мева солган узумлари сўйлайди. Сўйлайдиганига эмас, япроқлар шитирига қулоқ солсангиз, кўйлаб ҳам беришади. Ишлари ҳақида суриштириб, Жўра аканинг ўзидан билганимиз, «Отанга келган касб, шунинг орқасидан кунимиз ўтиб турибди», деган сўзлар бўлди холос.

— Ернинг суйсанг, эл сени суйди, деган нақл бор халқимизда, — дейди Солиха опа. — Жўравой аканинг оталари — Йўлдош ота ҳам ерга меҳри сабаб элнинг тавбаруқ кишиларидан бирига айланган эдилар. Бугун у кишининг ишларини фарзандлари давом эттирмақда. Жўравой ака миришкорлик орқасидан уч қизини ҳеч қимдан кам қилмай, узатди. Яна бир ўғил ва қизи бугун қанотларига кириб, аҳшигина қўмақчилик қилишмоқда. Утган йили узумнинг

қилосини етти мингдан сотган эди. Бу йил ҳам, насиб этса, яхшигина даромад қилишади. Қишлоғимиздаги яна олти хонадон Йўлдош отанинг узум етиштириш услубидан фойдаланиб, даромад олмақда. Бунинг учун ток танасини совуқдан ҳимоя қилиш максатидан январнинг биринчи ўн кунлигига қадар тупроққа кўмиб қўйилади. Кейин плёнка остига олинади. Парварши иссиқхонада давом эттирилиб, майнинг йигирма бешинчиларига эл дастурхонига қора чиллаки тортиқ этилади. Қишлоғимиз аҳолисига уста боғбоннинг узумларидан баҳраманд бўлишга эмас, эрта баҳордаёқ барра ток баргидан қоваток ейиш ҳам насиб этади.

Меҳмонлар кўрсин учун очилган плёнка четини астагина тупроққа кўмаётган, шу қисқа фурсатда ҳам токларига боласига меҳр билан тикилаётган отадек назар ташлаётган боғбон билан айрлашмоқчи бўлиб турганимизда кўзимиз ҳовли четларига қадалган ток қаламчаларига тушди.

— Кўчатларингиз ҳам анчагина шекилли. Уларни қаерга экасиз? — қизқиниб сўрадик.

— Кўчи-кўшини, қариндош-уруғ, дегандек, сўраб келишади, берамиз. Ризқимизга ярашсини, боғзорга ҳам қишқарамиз. Бу йил доимидан кўпроқ экдим. Қишлоғимизга тез-тез келиб турадиган касабга уюшма фаоллари Мустақилнинг 20 йиллигига 20 тадан кўчат экиш ҳақида гапиришганди. Оиламиз билан бу эзгу фикрга қўшилишдик. Сабаби шу...

Тилидан кўра қўлини кўпроқ ишлатиши маъқул билладиган Жўра аканинг озгина демешиларидан билганимиз шу бўлдики, боғбонлик у учун мўмай даромад манбаи эмас, аксинча ҳаёт тарзи, орзу-умидларининг бир бўлиғи экан. Хар кун тоқларини оралаб юриш, тупроқнинг нафас олишини бутун вужуди билан тинглаш кундалик одатига айланган. Қимир-қимир этиб топаётгани шунчаки пул эмас, ҳаракатга муносиб кўрилайтган барака, оиласининг туғнамас ризқи эканлигини у жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам миллионларни санашидек ғалати заъв тупроқ тафтини туйишдек улуғ қувонч олдига арзимас ҳодисадек туюлар унга.

Хонадон эгаларининг юзидиганига эмас, бутун ҳовлидан таралиб турган файзу тароват бизнинг-да кўнглимизга кўчгандек бўлди. Кўёш уфққа бош қўяр маҳали уста

## Гард қўнмаган машина

**Абдуҷаббор отага уни Президент совга қилган эди**

Аҳсининг кенг кўчаларидан ортимизга қайтар эканмиз, бизга ҳамроҳлик қилаётган Тўрақўрғон тумани ҳокими ўринбосари Нодира опа Умарова бр ерларда ҳар бир оила ўзига хос миришкор эканлигини, айниқса, узум, гилос, қулупнай етиштиришда тўрақўрғонликлар мамлакатда биринчилардан эканлигини айтиб ўтди.

— Исталган уйга кирсангиз, хар қарич ердан унумли фойдаланишгаётганининг гувоҳи бўласиз, — дейди опа. — Томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича махсус тизим ташкил этилган. Тизимни узлуксиз жорий этиш мақсадида туман ҳокими бошчилигида штаб тўзилган бўлиб, томорқадан унумли фойдаланиш бўйича курсатма ҳамда амалий ёрдам берилмоқда. Бу борада биз билан тармоқ касабга уюшма раислари ҳамкорликни йўлга қўйишган. Ҳатто вилоят Касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси раиси доимий равишда худудимиздаги дала майдонлари ва хонадонларда экин экиш, агротехник тадбирларнинг амалга оширилишида шитирик этмоқда. Касаба уюшма фаоллари ерга уруғ қадаш жараёнида ишловчилар учун яратилаётган шароит билан мунтазам танишиб боришаётир. Ҳозир яна бир миришкор инсоннинг ҳузурига борамиз. У кишининг узуму майизларини еган инсон, яна бормикан, деб сўраб қолади. Ҳўжанд қишлоғи ва шу атрофда яшовчилардан «Абдуҷаббор ота» узумини қаердан топса бўлади, деб сўраган, фақат шу эшикни кўрсатишади.

Машина шарқариб оқаётган ариқ лабиди оҳистагина тўхтади. Қорачадан келган, баянда бўйли киши «Хуш келибсизлар!» дея бизга пешвоз чикди. Нодира опа «Комилжон ака, сизга меҳмон олиб келяман», деди-ю, ҳолаҳвал сўрашган, менга сепкинга тушунтирди: «Бу ҳовлига бир неча бор келганмиз, худуддаги

энг ибратли оилалардан, уларнинг миришкорлик тажрибасининг эмас, оила мустаҳкамлиги борасидаги ибратини ҳам оммалаштирса, арзийди».

Эшикдан киришимиз билан яп-янгини машинага кўзимиз тушди. «Эндигина олишибди, шекилли-а?», сўрайман Нодира опадан. Опа қулиб қўйди-ю, «Бу машина 1994 йилдан бери гард қўрмаган, сабабини Комилжон акадан бир сўраган...», деди.

— 1994 йил ҳаётимда энг қувончли дамларга бой бўлган эди. Шу йили юртбошимиз падари бузрукворим — Абдуҷаббор отанинг узум етиштиришдаги муваффақиятларини тақдирлаб, мазкур машинани тўхта қилган, — ҳикоя қилди Комилжон ака Юсупов. — Отам умрининг охиригача машинани авайлаб, у билан ғурурланиб юрди. Мустақилликдан аввал етиштирган узумини бозорга олиб чиқишдан чўчиб яшаган, ҳалол меҳнати орқасидан келаятган даромадини худди ўғирлик молдек яширишга мажбур бўлган инсон учун эркин ишлашига яратиб берилаётган шароитнинг ўзи энг катта тўхта эди. Шундай паллада Президентнинг эълитборига тушиб, бунинг устига меҳнатлари учун ундан совға олиш отамни жуда руҳлантириб юборганди. Назаримда, улар ёшариб кетгандек эди.

Шундай бахтга муносиб қўрилган Абдуҷаббор ота яратган тоқзорни кўриш истаги кўнглига ором бермасди. Комилжон ака ҳам бунинг сезгандек томорқа томон юра бошлади:

— Шу ерда узумчилик билан шуғулланамиз.

— Ҳовли анчагина катта шекилли? —

— Ха, отам барча фарзандларини бир ерда қўришни хоҳларди. Шунинг учун ҳам беш фарзанднинг барчасига битта ҳовлида уй қўтарган.

— Беш ака-ука бир ҳовлида яшайсизларми?

— Ҳозир уч оила бирга яшаймиз. Овқатларини пайтида Фармонбешининг оиласидек жамул-жам бўлишини ҳам ўзгача гашти бор. Қолаверса, меҳр — кўзда, деган нақл бежизга айтилмаган.

— Теварақ-атрофда «Абдуҷаббор ота» узуми анча машхур экан. Бу отангиз яратган нави?

— Йўқ, бу узумни кўпчилик билади. Навининг асл оти — келинбармоқ. Бирок у бошқа ерлардагига нисбатан анча ширин пишади, меҳ-

натимизми, меҳримизми ёки тупроғимиз сабабми таъми ўзгача. Шунинг учун ҳам одамлар уни одатдагидек келинбармоқ эмас, «Абдуҷаббор ота» деб аташади.

— Олтиариқнинг узумлари узок вақт сақлашни билан машхур. Сизнинг ҳосилингиз қачонгача туради?

— Бу асосан об-ҳавога боғлиқ. Баъзан ҳосилини ток танасида ян-варгача сақлаймиз, баъзан ундан ҳам узокроқ. Ҳаво ёмон келганда эса, эртароқ йиғиштирамиз. Узум сақлаш учун омборларимиз бор. Насиб этса, бу йил майиз қиладиган жойларимизни кенгайтирмоқчиман. Шунда харидорларга қуруқ мева етказишни ҳам тўлиқ йўлга қўямиз.

— Боғбонлик сиз учун ота-меҳор хўш экан. Бирок ҳамма ҳам отасининг ишини давом эттиравермайдими...

— Аслида, энг катта саваб ҳам, барақа ҳам ота касбини қўлдан бермасликда экан. Авто-мобилларга ёқилғи қўйиш шох-хобчасида ишлардим, ишдан бўш вақтимдагина тоқзорга кирардим... Ушанда отамнинг нима учун эртдан келгача ток оралаши сабабини тушунгандек бўлдим. Рўзғоримизга файз киритган, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган узумчиликни танлашимга тўғри келганда эса, ҳеч иккиланмадим. Фарзандларимни шу иш орқасидан уйли-жойли, маълумоти қилаяман. Қачондир отам экан узумлардан татиб кетган кишилар эшигимиздан у кишини йўқлаб келишганда, ишини давом эттирувчи биз каби фарзандлари борлигидан қувониларини кўриш ҳам саодат. Карвон кўп, ризқи бўлак, дейишди. Юртдошларимиз дастурхонини биз етиштирган ҳўлу қуруқ мевалар бегаётгани, боғларда «Абдуҷаббор ота» узуми кўчатларининг кўпаяётгани орзуларини ушалаётганидан дарак.

Дарҳақиқат, истиқлол берган имкон сабаб бугун нафақат ер эгаларининг, балки барча соҳа фидойиларининг қуни туғди. Шу сабаб орзулар ушалмоқда, юксак марралар забт этилмоқда. Қўнғиллар хотиржамлиги сабаб шодийналар шодийналарга уланмоқда. Зеро, обод юртга гўзал кунлар, эзгу ниятли кишилару фидокорона меҳнат завқи ярашади.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» муҳбири

## ● Коммунал хизмат

**Аҳолини қиш ва ёз мавсумида табиий газ билан таъминлаш соҳа ходимларидан катта масъулият талаб қилади. Бундан тегишли хулоса чиқарган пойтахтнинг Яққасарой туман газ идораси жамоаси жойларда профилактика тадбирларини эрта баҳордан оқ бошлаб юборишди.**

## «Қиш ғамини ёзда е»



— Бу бежизга эмас, — дейди туман газтаъминоти идораси бошлиғи Иброҳим Дадажонов. — Қуз мавсумига ҳали анча вақт бор бўлса-да, ҳозирдан тай-ёргарлик кўришининг асло зарари йўқ. Сабаби, эрта қилинган ҳаракат ўз самарасини берибгина қолмай, жуда кўпгина ишларни таҳлил этиш ва мавжуд камчиликларни мавсум бошланмасдан бартараф этиш имконини беради.

Шундан келиб чиқиб, худудимиздаги режага қиритилган 8 минг километрлик газ қувурларини бўқдан чиқариш, ГТП (газ тақсимлаш пунктлари)лар ва дўдбуронларни назоратдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Режага қўра, мазкур ишлар август ойига қадар аяқунланади.

— Мазкур ишларни бекаму кўст амалга ошириш мақсадида ишчи-хизматчилар қўлқоп, резина этик ва бошқа махсус киём-кечаклар билан таъминланди, — деди қорхона касабга уюшма кўмитаси раиси Саодат Суфорова. — Шунингдек, улар учун дам олиш, ювенил, овқатланиш хоналари таъмирдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди. Касб йўналишлари инсон саломатлигига бироз зарарли бўлганлиги учун ишчи-хизматчилар сут махсулотлари билан таъминланди.

Айни пайтда меҳнат қилувчилар саломатликларини тиклаб олишлари учун сихаттоҳларга йўлланмалар бериш, моддий ёрдам ажратиш масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда.

Энг муҳими туман газ таъминот идораси фаолиятини қўздан кечирар эканмиз, жамоанинг қуз-қиш мавсумига астойдил киришганига гувоҳ бўлдик.

У.УСМОНОВ

сида кўприк вазифасини бажаради ҳамда давлат органлари фаолиятидаги очиқ-ошкораликнинг таъминлашига хизмат қилади.

Бирок мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмининг ўзида ифода этилувчи яхлит қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ваҳоланки, бугунги кунда жамоатчилик на-

зорати деганда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш мақсадида фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари — оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касабга уюшмалари томонидан амалга ошириладиган комп-

латлари қонунчилик тажрибасида ҳам «Жамоатчилик назорати тўғрисида» махсус қонун мавжуд бўлмай, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Масалан, Россия Федерациясининг 2008 йил 10 июнда қабул қилинган «Мажбурий ушлаб туриш

ят учунгина эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлатилиши таъминлашга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга давлат қилади, давлат тузилмаларининг барча даврларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиги ошади. Иккинчидан, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарали кечилиши таъминлайди. Учинчидан, жамоатчиликнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда ички ислохотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори

«Иқтисодиёт Рақобат Моҳияти» Бозор иқтисодиёти ривож топгани сайин рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб боради. Чунки, рақобат объекти зарурият, бусиз иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

# ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ

зоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурати юзага келмоқда. Шу боис, давлатимиз бошлиғи Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмининг яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш тақлифини илгари сурди.

Шу ўринда жамоатчилик

лекс чора-тадбирлар тушунилади. Шу нуқтага назардан қабул қилиниши тақлиф этилаётган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосларини назарда тутиши лозим. Жамоатчилик назорати субъектларининг қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро муносабати, жамоатчилик назорати тизими, ташкил этиш тартиби ва функциялари, уларни молиялаштириш, жамоатчилик назоратининг ҳуқуқлари каби масалалар ўз ифодасини топтоғи лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрганилган МДХ дав-

жойларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати ва мажбурий ушлаб туриш жойларидаги шахсларга қўмақлашиш тўғрисидаги Қонунда ушбу жойларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва ушбу шахсларга қўмақлашишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Шу давлатнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексиди эса мажбурий ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик назарда туғувчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати, биринчидан, жами-

ят учунгина эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлатилиши таъминлашга, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уни ҳимоя қилишга давлат қилади, давлат тузилмаларининг барча даврларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиги ошади. Иккинчидан, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарали кечилиши таъминлайди. Учинчидан, жамоатчиликнинг ишончи ва қўллаб-қувватлаши орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ўз фаолиятларини янада самарали ташкил этиш имконияти яратилади. Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда ички ислохотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори

Рақобатнинг бозор иқтисодиёти шаклланишидаги ҳал қилувчи роли XVII асрдаёқ Адам Смит томонидан кўрсатиб берилган. Яъни, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз фойдаси учун интилади, лекин ўз манфаъатига эришиш орқали бутун жамият манфаатларини ҳам амалга оширади.

Рақобат муқаррар бўлганидан унинг иштирокчилари ҳам бунга шай туришга мажбур. Хар бир иштирокчи унинг рақибни нима қила олишини билишга ва бунга қарши чора кўришга интилади. Бу қорхонанинг рақобат стратегиясида акс этади. Бундан бошқарувчининг келгусидаги воқеалар ривожини олдиндан кўра билган ҳолда иш кўриш, таъсир этиш қобилияти муҳим рол ўйнайди. Мана бир мисол: бошқарувчининг ана шундай қобилияти сабаб Германиянинг «Volkswagen AG» автомобилсозлик концерни 2010 йилни мўмай даромад билан яқунлади. Қорхона томонидан ишлаб чиқарилган 7 млн. донадан кўп машина сотилган. Натияжа, маблаг тушуми 7,2 млрд. евро (9,9 млрд. АҚШ долларини) ташкил этган. Бунга мос равишда соф фойда 2009 йилдагига нисбатан 7 баробарга ортган. Шунингдек, АҚШнинг «Ford» концерни бу даврда 6 млрд. 560 млн. «General Motors» корпорацияси эса 4 млрд. 67 млн. АҚШ долларини миқдорда фойда кўрди. Рақобатчиликнинг бир-бирига жавобан ҳаракат-

ти «Неша мувозанати»ни юзага келтиради. Неша мувозанатига қўра, рақобатчи ўз рақиб ҳаракати аниқ бўлганда, ўзи нима иш қилишини яхши билиши керак.

Ҳозирги давр истеъмолчиларини, энг аввало, нарх эмас, балки товарнинг фойдали томони, сифати қизиқтиради. Сифат билан рақобатлашувда ўз товарини ўзгаларниқдан қандайдир жиҳатдан ажратиб туришга эътибор қаратади. Масалан, автомобиллар бозорини қизайтириш, тезлик, шинамлик, ёқилғининг тежалиши, экологик тоза, аварияларга чидамлик юксак қадрланади. Бундан ташқари, рақобат стратегиясида қорхона фаолият юретидаги бозорнинг характери ҳисобга олинганда ҳамда рекламага катта эътибор берилади. Одатда, товарнинг сотилиш ҳажми реклама сифатида мутаносибликда бўлади, яъни реклама сарфи ошган сари сотилиш ҳажми қўяди. Бирок бунинг учун реклама самарали бўлиши талаб қилинади.

Ууллас, ҳақон бозориди ҳар бир қорхона кучли рақобатга бардош берадиган товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида мувофиқ бунда истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжини биринчи ўринга қўйиш муваффақият гарови ҳисобланади.

Азизбек ҲАКИМОВ,  
Шоҳруҳ ИБРАГИМОВ,  
ТДИУ магистранти

Кўрғазма-савдо

Қўлларингиздан айланай



Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Микрокредитбанк» и ташаббуси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Қўли гулдир ўзбек аёли...» кўрғазма-савдоси аёлларимизнинг иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига хизмат қилаётир.

Буни қарангки, кўрғазма-савдо ёрдамида ўтган даврда ўнлаб хотин-қизларимиз «Хунарманд» уюшмасига имтиёзли тарзда аъзо қилинди, бир қатор аёлларнинг иқтисодий биллими оширилди ва жуда кўпчиликка кредитлар олишида кўмаклашиб, ҳукуий-иқтисодий маслаҳатлар берилди.

Хар чоракда ўн кунлик тарзда ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги кўрғазма-савдода Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юзга яқин аёллар ўзлари яратган маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорага доир кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, «Микрокредитбанк» томонидан тадбиркор хотин-қизлар учун 7 млрд. 921 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб, шу ҳисобдан 5740 та янги иш ўринлари яратилган. Кредитлар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 фоизга ўсган.

Бу галги кўрғазма-савдо тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик фаолиятига энди кириб келаётган, асосан уй бекалари бўлган ва миллий қадриятларимиз асосида маҳсулотлар ишлаб чиқараётган моҳир аёллар учун бир тажриба сифатида ташкил этилди.

Асосий мақсад ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожланиши рағбатлантириш, уй меҳнати билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш, тадбиркорликка интилаётган хотин-қизлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш ва соғувига кўмаклашиш, миллий маҳсулотларни ишлаб чиқиш асосида миллий урф-одат ва қадриятларни асраб қолтириш иборат.

Биз иштирокчиларнинг айримларини суҳбатга тортидик.

Ҳабиба Отахонова, Наманган вилояти Янгикўрғон тумани «Ал-Ҳабибий-ал-Ақром» хусусий корхонаси раҳбари:

— Кўрғазманинг доимий иштирокчисман. Дастлаб уй шароитида иш бошлаганман. Эндиликда «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 15 млн. сўм сармоа олиб, фаолиятимни кенгайтираман. Айни пайтда жамоамизда 12 нафар киши кўрпа-ёпқик, ҳар хил чойшаблар ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларимиз-

ни корхона қошида ташкил этилган савдо шохобчасида сотишни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, тез орада янги бино қурилиши ниҳоясига етди.

Гулноза Кенжаева, Фарғона вилояти Қувасой Саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— 2003 йилдан буён касбимдан ташқари, хунармандчилик билан ҳам шуғулланаман. Кўрғазмада безакли сумкалар, каштали телефон гилофлари, мева солишга мўлжалланган идиш ва қўтичалардан иборат маҳсулотларим билан илк бор қатнашим. Орзу ва режаларим бир олам. Кўрғазма нафақат маҳсулотларим намойиши, балки юксак фикрлар ва тажриба алмашиш майдони бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳалима Жўраева, Наманган тумани, касаначи:

— Тўнлар, кашталар, попопчилик буюмлари ишлаб чиқарамиз. Кўрғазмада ҳар йили қатнашаман. Бир кунда 40 та чопон сотдик. Аҳоли тўйларга кўрпаларимиздан харид қилмоқда. Одамларга фойдамиз тегаётганидан мамнунмиз.

Ойгул Абдуллаева, Самарқанд шаҳридаги «Абдулла» хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз бу йил ташкил топди. Асосан кўрпа ва чойшаблар ишлаб чиқарамиз. Кўпроқ ноғиронларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилаемиз. Кўрғазма, айниқса, талабаларда катта қизиқиш уйғотаётганидан хурсандман.

Ҳа, биз буви, амма, холаларимизнинг айланайин, деган самимият ва беғуборликка тўла сўзларини эшитиб улгайганмиз. Кўрғазмани кузата туриб, шу сўзлар ёдга тушади. Бугун ҳам шижоатли, меҳнатқаш, ишбилармон, уйдабурон опа-сингилларимиз тайёрлаган хунармандчилик ҳамда миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган турфа буюмларни кўриб, беихтиёр «қўлларингиздан айланай» дегимиз келади.

Кўрғазма-савдо жорий йилнинг 21 апрелига қадар давом этади.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ олган сурат

БАРКАМОЛ АВЛОД

Бизлар баркамол Авлод бўламиз. Келажак сари Олга юраемиз.

Ўқиб, изланиб, Ҳеч ҳам толмаймиз. Аъло баҳодан Ортада қолмаймиз.

Ватан равнақи Кулган чоғида — Ўсиб унамиз Ёшлик боғида.

Меҳримиз сенга Жонажон Ватан. Севамиз сени Онажон Ватан.

Дилнозахон УРАЗОВА, Тошкент шаҳар 154-мактабнинг 4-синф ўқувчиси



Қарши шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва Қашқадарь вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Биз — 20 ёшдамиз» мавзусида ёшлар акцияси бўлиб ўтди. Суратда: тадбирдан лавҳа. Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Китобингизни ўқидим

Инжа туйғулар гулдастаси

Шоира Севара Вафонинг ақинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида чоп этилган «Она мадҳи» шеърый китобида кишини ҳаяжонга солувчи шундай мисралар бор:

Гўдак куляпти мунис, беғубор, Тиник кўзларида бир жаҳон шодлик. Рухида бетакорр мукамал баҳор, Қонид аяшайди яшил мангулик...

Мазкур тўпламда шоиранинг турли йилларда битилган шеърлари жамланган. Бу шеърлар кўнгилга яқин туйғулар, юракнинг туб-тубида яшаётган орзу ва армонларни ўзида акс эттиргани билан ҳам қадридли. Шоира лирик қахрамон кўзи билан дунёни, инсонни мукамал кўришни, қалбларни эътиқод ва имон тарқатмаслигини истади. Мутолаа жараёнида ҳамма нарсани бори-ча тасвирлашга интилган ва бунинг уйдасидан чиққан шоиранинг туйғу ва кечинмалари сизга ҳам ўтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шоира ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ шеърлари халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфия Исроилова назарига тушган ва у ёш қаламкашга устозлик қилган. Кейинчалик Зулфия у ҳақда «Мен Севарахонда ўзимнинг ёшлигимни кўраман», деб лутф этганди.

Севара Вафонинг бугунгача чоп этилиб, адабиёт ихлосмандлари кўнглидан жой олган «Қора атиргул», «Аёллар ҳикмати», «Рўхнома», «Ҳикматлар» номли шеърый тўпламлари бу қиёс бежиз эмаслигини исботлаб турибди.



Ш. АБДУСАМДОВ

Қадрият

Минг тўққиз юз етмишинчи йилларнинг ўрталари эди. Туман бошқаруви идорасида ишлардим. Фаоллар йиғилиши ўтказиладиган бўлиб қолди-ю, келганларни рўйхатга олиш менга топширилди.

Сабок

Вақт шу даражада тигиз эдики, келувчилар билан сўрашишга улгурмай қолардим. Бунинг устига ҳар бир одам билан сўрашиш пайтида унинг юзига қараш, кимлигини аниқлаш керак. Навбатдаги одамни, рўйхатга олаётгани, қўл учидан сўрашдим. У киши «Ўзқишлоқхўжалик-техника» туман бирлашмасининг раҳбари Ҳабибуллошохонхожи Юсулов эди.

— Эркинжон ука, — деб қолди у. — Кўнглингизга олманг-у, одамнинг юзига қараб, иккала қўлини ушлаб, (мана бундай қилиб, деб қўлимни иккала қўллари орасига олиб қаттиқ қисди) сўрашилди. Бу доим эсингизда бўлсин.

Мана шу воқеага ҳам 30 йилдан ортиқ вақт ўтибди. Эшон отанинг ўша ўғиллари ҳамон қулогим остида жаранлайди. Катта-ми-кичими, албатта, юзига қараб, икки қўллаб кўришаман. Самимий қўл олишганда эса одам руҳиятида қандайдир кўтаринчилик юз беради.

Табарруқ, кўлни кўрган инсонлар насихати ҳар биримиз учун ҳаёт мактабидир.

Эркинжон ИБРОҲИМОВ, меҳнат фахрийси, Олтиариқ тумани

Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан

20 йил кўҳна тарих учун киприк қоқгудек лаҳза. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, 20 ёш навқиронлик ва камолот даври ҳамдир. Бугунги дорилмомон кунлар ўз-ўзидан келмаган, албатта. Дунё харитасида Ўзбекистон давлати юзига келган 90-йилларнинг бошларини ёдга олайлик. Иқтисодий инқироз ёқасига келган, маъмурий буйруқбозлик тизими ўта марказлашган, ижтимоий муаммолар шу қадар чигаллашган эдики, гўё уларнинг ечими йўқдек туюларди. Шундай мураккаб даврда Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт ва ислохот йўлидан боришни баралла айта билди.

Боқийлик

гиллапооялари юксалишда



Ўтган даврда мустақиллик биз учун энг улғу ва энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, фахри-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас ватанда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Барча соҳада мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Тарихий ҳақиқатлар тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар асл ҳолига қайтди. Азиз-авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралар, масжид ва мадрасалар таъмирланди. Айниқса, осори-атиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди. Жаҳон маданиятига муносиб хиссасини қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш истиклол туйғули изчил аънамага айланди. Жумладан, Алишер Навоий (1991), Аҳмад Яссавий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд (1993), Мирзо Улуғбек (1994), Нажмиддин Кубро, Феруз (1995), Амир Темур (1996), Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний (1998), Жалалиддин Мангуберди (1999), Бурхониддин ал-Марғиноний, Камолиддин Бехзод, Имом ал-Мотурудий (2000) каби мутафаккирларимизга бағишланган тантаналар ўтказилди. Дунё цивилизацияси ривожланишида катта ўрин тутган, асрлар давомида шаклландан Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шахрисабз, Қўқон, Термиз каби тарихий шаҳарларда 10 мингдан ортиқ маъмурий ва тарихий обидалар мавжуд. Шундан 7570 таси давлат муҳофазасига олинган. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, миллий бойлигимиз саналган санъат асарларини

лаб ки талабномалар мазкур рўйхатга киритиш юзасидан ўрганилмоқда. «Туркистон» саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Темирийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси янги бунёд этилди. Пойтахтимизда Эзгулик монументи ва аркаси, «Мотамсаро она», «Шаҳидлар хотираси хиёбони», каби қўллаб янги обидалар, Термизда Алпомиш, Урганчда Жалалиддин Мангуберди хайкаллари, «Авесто» хайкалтарошлик композицияси барпо этилдики, булар бевосита халқимиз маданий меросини бойитди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан (1996) Самарқандда Амир Темур мақбараси, Регистон мажмуаси, Бибихоним масжиди, Шахрисабзда Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари таъмирланди. Шунингдек, Бухоро, Хива Термиз, Шахрисабз, Қарши ва Марғилон шаҳарлари юбилейлари арафасида ҳам қўллаб тарихий обидалар, маданий мерос ёдгорликлари қайта таъмирланди.

Пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳасимом) меъморий мажмуасидаги бунёдкорлик ишлари, Бароқхон мадрасаси ва Кафол Шоший мақбараси, Номозгоҳ масжидида амалга оширилган хайрли ишлар миллий-маънавий қадриятлар ва маданиятимизни юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

2010 йилда молиялаштириш режаси бўйича Маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларига 3.581,3 млн. сўм сарфланди.

Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг марказий қўмиталари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Келажакда ушбу нуфузли ташкилот билан биргаликда маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш борасидаги долзарб муаммоларга бағишлаб Самарқанд, Хива, Бухоро, Шахрисабз шаҳарларида халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Равшан МАНСУРОВ, Республика маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ишлари бўлими раҳбари

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамда 82-мактаб жамоаси шу мактабнинг касаба уюшма кўмитаси раиси Муҳаббат Ваҳобовага фарзанди ЖАМШИДнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.